



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2010 йил
7 апрель
ЧОРШАНБА
№ 27
(12.247)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН — ВЬЕТНАМ
БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 6 апрель куні Ўзбекистон ва Вьетнам ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Вьетнамнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, ахборот технологиялари, логистика соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон иқтисодиёт вазири С.Бекенов, Вьетнам Бош вазири-нинг ўринбосари Хоанг Чунг Хай мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатлар изчил тараққиёт таътиганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Вьетнамлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги кенг қуламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган имкониятлар билан таъкидланди.

Чой, қаҳва ва гуруч каби истеъмол товарлари етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринда турадиган Вьетнам Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги ишончли ҳамкорларидандир. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар иқтисодиёт, савдо, сармоя, фан-таълим, маданият, авиаташув ва сайёҳлик каби соҳаларга оид давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги кўплаб ҳужжатларга асосланган.

Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлиқ яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Юртимизда вьетнамлик шериклар билан ҳамкорликда тузилган ўн та қўша корхона фаолият юритмоқда. Улар савдо, озиқ-овқат ва ипакчилик соҳаларига

иқтисослашган.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганидан жуда мамнунмиз, — деди Хоанг Чунг Хай. — Ушбу форумда Вьетнамнинг кўплаб етакчи фирма ва компанияларидан вакиллар иштирок этаётгани мамлакатимиз ишбилармонларининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни кенгайтириш ва мустақамлашга қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир. Мамлакатларимиз ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида кенг имкониятларга эга. Ўзбекистон ишбилармонлари билан икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидмиз.

Анжуманда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни, жумладан, ёқилғи-энергетика, банк-молия, машинасозлик, тоғ-кон металлургияси ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Вьетнам компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон ва Вьетнам ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутуши алоҳида таъкидланди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Вьетнам ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Вьетнам делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб бордилар.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.ПАРРАНДАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Наврўз байрами вилоятимизда кенг нишонланаётган ҳозирги пайтда туман ва шаҳарларда бунёдкорлик ишлари янада авж олиб, халқимизга хизмат қилувчи турли сервис ва ишлаб чиқариш корхоналари, қатор майиш хизмат уйлари ва замонавий маҳалла гузарлари қурилиб, ишга туширилмоқда.

Шундай объектлардан бири Куйичирчиқ тумани Тошлоқ қишлоғидаги "Сир-гали фермер-паррандачилик фабрикаси"дир. Бу ас-лида эски чўқчилик мажмуаси бўлиб, ўтган йили уни тадбиркор Маҳкам Маҳмудов сотиб олди. Даставвал тадбиркор бизнес-режа асосида банкдан 2 миллиард 150 миллион сўм имтиёзли кредит олди. 10 гектар майдондаги ташландиқ 8 та корпус замонавий

тарзда қайта таъмирлана бошланди. Ҳозир ҳар бири 100 метрилик иккита товуқчилик цехи ишга туширилётган. Фермага Украинанинг "По техна" компаниясидан 800 миллион сўмлик 12 та линия олиб келиб ўрнатилди. Ҳар бир линия 20 минг товуққа мўлжалланган. Ҳозирча 120 минг товуққа мослашган, барча шарт-шароитлари мавжуд замонавий ускуналар компьютер асосида бошқарилади. Гер-

маниянинг "Ломон" зотли жўжалари парваришланмоқда. Май ойида дастлабки тухум олиш режалаштирилган.

Келгусида барча 8 та цех кетма-кет режа асосида ишга туширилса, бир йўла 600 минг бosh товуқ боқилади. Фабрикада озуқа цехи, икки минг тоннага мўлжалланган озуқа ва тухум сақлаш омборхонаси, иккита сув насос станцияси, лаборатория, гўштни қайта ишлаш цехи-ни таъмирлаш ниҳоясига етказилмоқда. Бу ерда ку-

нига 50 мингдан зиёд тухум олиш режалаштирилган.

— Энг муҳими, фабрика ишга туширилса 50-60 киши доимий иш ўрнига эга бўлади, — дейди фабрика раҳбари Маҳкам Маҳмудов. — Келгусида аҳолига тухум, гўшт, янги очилган жўжа ҳамда товуқ етказиб бериш, қолаверса, вилоят аҳолиси-га арзон маҳсулотлар сотиладиган дўконлар очишни ҳам режалаштирдик.

Раҳимжон ОРИПОВ.

СУРАТДА: тадбиркор Маҳкам Маҳмудов.

Еркебой БУТИРОВ олган сурат.

ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАДА

Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан "Мамлакатимизда демократлаштириш чўқурлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва юксак маънавиятни шакллантириш йўли-да ЎзАидеПнинг ўрни ва роли" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда маърузачилар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Асосий ва-

зифаимиз — Ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш" номи маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида тўхталди.

Иштирокчилар Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари-

нинг партия билан доимий ҳамкорлигини таъминлаш, жойларда амалга оширилаётган ислохотлар, ҳудудий дастурлар ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларнинг самарали тарзда олиб борилиши ва тўлақонли ижро этилиши муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлашди.

Семинарда муҳокама қилинган шу ва шу каби масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Азима ҚИЁСОВА,
"Туркистон-пресс".

МУНОСАБАТ

ЯХШИ ҚЎШНИ ФАҚАТ
ЎЗИНИ ЎЙЛАМАЙДИ

"Биз ҳўрматли ҳамкасбларимиз — Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон ва Қирғизистон Президенти Курмонбек Бокиевга мурожаат қилиб, экспертизага киришиш ва унинг натижаларини кўрмай туриб, ҳеч қандай қурилиш ишларини бошламасликка қақирамиз". Қозогистон Президенти Нурсултон Назарбаев Тошкентда Ислам Каримов билан учрашганидан сўнг Тожикистондаги Роғун ГЭСи ҳамда Қирғизистондаги Қамбарота объектларига оид умумий нўқтаи назарларини шу сўзлар билан ифода этди.

Маълумки, ушбу гидро-техник иншоотларнинг экологик ҳамда техноген хижатларини хавфсизлигини тадбиркор лозим бўлган халқаро экспертиза масаласини аввал бошда Ўзбекистон ўртага ташлаган эди. Бишкек эса бунга рози бўлмаслигини яшириб ўтирмади. Бироқ пайти келганда, муомала-нини бироз ўзгаришига мажбур бўлди. Ахир Ўзбекистонни Россия қўлаб-қувватлади-да! Саяно-Шушенск ГЭСидаги фалокат эса Тошкентнинг хавотири бежиз эмаслигини амалда кўрсатди.

Бу орада аввал Тошкентда, сўнг Москвада бўлган чоғида Қирғизистон бош вазири Дониёр Усенов Қамбарота ГЭСи

экспертиза қилинишига эътироз йўқлигини таъкидлади. Бироқ, аллақачон ҳаммага маълумки, Дониёр Усеновнинг сўзи ҳеч қандай қийматга эга эмас. Президент Бокиев эса бу масалادا сукут сақлаяпти. Унинг ўзини бундай четга олиши иккита нозик масалала асосланган. Биринчидан, унинг жиззакчи феъли Ислам Каримовга ён бо-сишга йўл қўймапти. Иккинчидан, Россиядан келиши мумкин бўлган 1,7 миллиард доллар маблағнинг тақдири экспертиза хулосасига боғ-лиқ.

Яқинда Россия Феде-рацияси энергетика ва-зири Шматко Усенов би-лан учрашганда Россия

ҳукуматининг шартларини аниқ-тиниқ баён этди: "Авал лойиҳа экспертиза қилинади, сўнг вако-латли банк (албатта, бу банк Максим Бокиев қарамоғида бўлмайди) аниқланади ва шундан кейингина кредит пулла-ри ўтказилади".

Гўё ҳаммаси тушунар-лидек. Аммо, энг муҳи-ми — Қирғизистоннинг экспертизани нега чўзаятгани равшан эмас. Ҳатто, Халқаро банк ҳам уни молиялаш-га рози бўлди. Шундан кейин ҳам нима учун иш қуруқ гапдан нарига ўтмаяпти? Бунинг усти-га Қирғизистон энерег-тика вазири яқинда Қам-баротадаги ишларни тезлаштиришни талаб қилди. 2-ГЭС ҳеч қандай экспертизасиз ҳадемай қуриб битказилади. Бун-дан шундай хулоса чи-қариш мумкинки, прези-дент Бокиев ўз ишини енг ичиде бажараяпти ва ҳеч қандай эксперти-за ўтказилмайди.

(Давоми 2-бетда).



ТОШКЕНТ ТУМАНИ

БОЛАЛАР ШОД

Тумандаги 1-болалар сил касалликлари сиҳаттоғи-да хайрия тадбири бўлиб ўтди. У туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Қизил ярим ой жамияти ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамкор-лигида ўтказилди.

Тадбир давомида си-ҳаттоғида даволанаётган ўғил-қизлар ўртасида ас-фальт ва қоғозга расм чи-зиш бўйича қизиқарли мусобақалар ўшатирилди. Шўх куй-қўшиқлар ва жо-зибадор рақслардан иб-о-

рат концерт дастури тад-бирга кўтаринклилик ба-ғишлади.

Тадбир сўнгиде мусо-бақа ғолибларига совғалар тақдим этилди.

Феруза ТўРАЕВА.

ОХАНГАРОН ТУМАНИ

МАЙДОНДА МАҲАЛЛА
ПАҲЛАВОНЛАРИ

Туман халқ таълими бўлими, "Маҳалла", вилоят ва туман болалар спортини ривожлантириш жамғарма-лари ҳамкорлигида Умар Умрзоқов спорт мажмуаси-да ўтказилган "Маҳалламиз паҳлавони" мусобақаси Наврўз байрамига бағишланди.

Мусобақада кўпқари, арқон тортиш, тош кўта-риш, миллий кураш каби спорт турлари бўйича «Қорахитой» ва «Ойбулок» жамоаси ҳам бўш кел-гани йўқ.

Мусобақа якунида спортчилар вилоят ва ту-ман болалар спортини ри-вожлантириш ҳамда "Ма-ҳалла" хайрия жамғарма-ларининг эсдалик совға-лари билан тақдирланиш-ди.

Зокир ХўЖАЛЕПЕСОВ.

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ

КОЛЛЕЖДА УЧРАШИШДИ

Туман агросаноат ва транспорт коллежиде Ўзбе-кистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлиги, вилоят ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимо-ий ҳаракати вилоят бўлими, Ўрта махсус касб-хўнар таълими маркази, ўрта махсус касб-хўнар таълими бошқармаси ҳамкорлигида Барқамол авлод йилига ба-ғишлаб семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирдан қўзланган мақсад ёшларни маънан барқамол, жисмонан соғ-лом ва ақлан қомил шахс бўлиб етишишларига қў-маклашиш, эркин фикр-лайдиган етук салоҳият-ли, пухта билимли, инти-лувчан ёшларни камол топтиришдир.

Тошкент Давлат ирри-гация институтининг профессор-ўқитувчилари ва коллеж талабалари-нинг баҳс-мунозарари тадбирнинг қизи-қарли ўтишини таъмин-лади.

Нигора МАХТУМҚУЛИ
қизи.2010
йил учун
ОБУНА
давом
этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
газетасининг
индекси — 205.

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

СОҲИБҚИРОН ВАСИЯТИ

Шаҳрисабзда бир маскан бор. Бу ердан зиёратчилар-нинг қадами узилмайди. Хорижий сайёҳлар атайлаб шу масканни сўроқлаб келадилар. Олмигина бу зиёраттоғ о-лида узок вақт хаёлга толиб турадилар. Наҳот, Самарқан-ду Кеш, Бухорою қадим Ясси-Туркистонда олий иморат-лар бунёд этган Соҳибқирон ўзига шу беҳашам, дарвеш-лар чиниллохасиде олдий бир сағанани раво кўрган бўлса?

Бу — Амир Темур даҳмасидир.

Хўш, нега буюк ҳажонгир ўзи ният қилган ерга қўмил-мади? Сағанача нечун битмай чала қолди?

Маълумки, 1404 йилнинг

охириде Амир Темур Хитой юришига отланади. Неча юз минг кишилиқ лашкари би-лан Утрот сари йўлга чиқа-ди.

Ўша йили қиш қаттиқ келган эди. Бетиним қор ёғар, баъзи манбаларда айтилишича, қорнинг қалинлиги икки найза бўйи (деярли уч метр) келарди. Совуқ захрига бирон тирик жон чидамас-ди. Ўша кезлари ҳаво шу даража совиб кетдики, — деб ёзади тарихчи Хофи-зи Абду, — кўпчилик ако-биру зодагонларнинг аъзоларини совуқ олди,

оддий фуқаро ва ходим-ларнинг ақсарияти ҳалок бўлди. Қавс (ноябрь)нинг бошидан то хут (февраль) охиригача Жайхун ва Сай-хун дарёларининг барча кечувларидан лашкар, арава, қарвон ва филлар муз устидан юриб ўтди-лар. Совуқнинг зўридан тил оғизда увишиб қолар-ди".

(Давоми 4-бетда).

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Нихол" мукофоти совриндори, ёш пианиночи Фазлиддин Ҳусанов иштирокида "Устозга таъзим" деб номланган концерт бўлиб ўтди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасидаги ушбу тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи томонидан ташкил этилди.

Юртимизда мусиқий таълимни ривожлантириш, ёшларнинг жаҳон ва миллий мусиқа санъатининг нодир намуналаридан баҳраманд бўлиши учун кенг имконият яратилган. Президентимиз Имом Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва

уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлаётди.

Мазкур йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлаш борасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланаётган мадонию-маънавий

Иқтидорли пианиночи Ф. Ҳусанов иштирокидаги "Устозга таъзим" деб номланган концерт шулар жумласидан. Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида санъат сирларини

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Тамара Поповичдан ўрганган Фазлиддин 2002 йили "Нихол" мукофоти совриндори бўлди. АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германия, Франция, Япония каби давлатларда ўтказилган халқаро кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этди.

Юртимизда ёшларнинг эзгу орзу-интилишларини юзага чиқариш учун барча шароит яратилган, — дейди Ф. Ҳусанов. — Бундай ғамхўрлик биз, ёшларни янги муваффақиятларга, билдирилган ишончини оқлашга ундайди.

Концертда ўзбек ва жаҳон бастакорлари асарларидан намуналар ижро этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЁШ БОКСЧИЛАР БАҲСИ

Марғилонда бокс бўйича 1994-1995 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.

Уч юз нафарга яқин ёш чарм кўпоқ устаси иштирок этган биринчиликда Тошкент вилояти вақилилари энг кўп — бешта олтин медал ҳам-гарди. Ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган Муроджон Ахмадалиев, Достонбек Абдурахмонов, Акмал Асанов, Элнур Абдураимов ва Анвар Туропов чемпион бўлди.

Қолган олтин медаллар

фарғоналик Акмалбек Қосимов, Ойбек Шарипов, Ахмадхон Саидхонов, Давлатбек Давронов, жиззахлик Достон Абдуллаҳақимов, Жаҳонгир Довудов, хоразмлик Исроил Мадридмов, пойтахтлик Суҳроб Фозилов ҳамда Бухоро бокс мактаби тарбияланувчиси Ўлугбек Мубиновга ҳисоби

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.

МАЪНАВИЯТ

"Оммавий маданият" атамаси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан қўллана бошланган бўлса-да, унинг тарихий илди-лари жуда узок. Оммавий маданият тарқалиши макон ва замонда турлича кечган. Инчунин, қадим замонларда ҳам оммавий маданиятни тарқатиш билан шугулланган. Бу иш билан шугулланувчи максус хуфиялар хизматлари ташкил этилган. Шунингдек, савдогарлар, сайёҳлар, олимлар ҳам бу ишга жалб қилинган. Базми ҳолларда бу маданият уруш, босқинчилик йўли билан ўзга юртларда мажбурий жорий этилган.

Оммавий маданият ўзига хос тараккиёт йўлини босиб ўтганига Қўшма Штатларини мисол келтириш мумкин. Турли миллат ва элатларнинг манфаати тўқнаш келганда АҚШ давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун маданиятларни яқинлаштириш орқали миллатлар ўртасидаги тафовутни йўқотган ва "америкалик" деган ягона миллатни шакллантириш сиёсатини олиб борган. Бу сиёсат АҚШ давлатининг яхлитлигини сақлаб қолишга асосланган бўлса-да, лекин унинг оқибатида ўрнатилган вақилиларнинг катта сиёсат курбонига айланиб, "ютилиз" кетганини ҳисобга олсак, оммавий маданиятнинг соф сиёсий тушувчан экани аққол аён бўлади.

Американинг ана шу маданиятларни яқинлаштириш сиёсатини собиқ шўролар ҳам амалда қўллашга уриниб кўрди. Шўро маффурачиларининг фикрича, қкин келажакда иттифоқда ҳар хил миллатлар бўлмаслиги, одамлар ҳар хил тилда гапириб, бири иккинчисини тушунишга қийналмаслиги, бу мамлакатда фақат бир тилда гаплашаётган ва бир хил фикр-лашадиган "совет кишиши" шаклланиши лозим эди.

Аммо Америка давлати ҳар жиҳатдан мустақамлашиб олганига, совет иттифокнинг парчаланиб кетганига анча бўлган эса-да, оммавий маданиятнинг тарқалиши жадал давом этмоқда. Америка ва собиқ иттифокнинг "ягона миллат" яратиш йўлидаги юқоридаги таҳрибаси бугун янада

глобаллашган. Бунинг қўламини, айниқса, америкалик сиёсатчиларнинг (Э. Тоффлернинг "Учинчи тўқтин", П. Бюкененнинг "Ғарбининг ҳалокати" асарлари оммавий маданият келтириб чиқараётган зарарлар ҳақида) ўзлари кўпроқ хавотирга туяшпти.

Бирок, глобаллашув жараёнлари чуқурлашгани, ахборот технологиялари тақомиллашгани боргани сайин миллий қадриятларни, азалий аънаналари

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

1405 йилнинг 15 январь кунини Амир Темур ўттор шахрига келиб тушади ва киш чилласи ўтгунча шу ерда туришга қарор қилади. Ўзини кузатиб келган хос махрамлари ва мулозимларига ижозат беради, улар шарафига зиёфат уюштиради. Бирок қутилмаганда Соҳибқироннинг иситмаси кўтарилиб, ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Ҳозиқ табиблар дарҳол муолажага киришади. Лекин кун ўтган сайин жаҳонгирнинг аҳоли ёмонлашиб боради. Бир кун Амир Темур туш

Амир Темур кўп йиллар муқаддам ҳам қазои қадар хусусида ўйлаган ва жондек азиз тўғич ўғли Жаҳонгирни тожу тахт вориси, деб эълон қилган эди. Эвоҳ, Жаҳонгирнинг умри қисқа экан, йигирма ёшида хас-таланиб оламдан ўтди. Кейин Соҳибқирон Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султонни валиахд қилиб тайинлади. Муҳаммад ҳам икки йилча бурун отасининг изидан боқий дунёга риҳлат қилди. Жигар-бағри қабоб бўлган буюк бобо энди Жаҳонгирнинг кичик ўғли

нола чекманглар, бундан фойда йўқ. Шу кундан эътиборан фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ўзимизга валиахд ва тожу тахт вориси этиб тайинладикки, Самарқанд тахти анинг амри фармонида бўлмай, тамкилик ва истикдол ила мулк миллат, лашкар ва раиятининг муҳим ишлари билан машғул бўлсин. Сизлар эса, унга тобелик ва бўйсунуш маросимини ўрнига қўйинглар, уни бир-галикда қўллаб-қувватланглар, токи олам бузилмасин...



СОҲИБҚИРОН ВАСИЯТИ

кўрди. У Кўкўлгон деб аталмиш сулоки отида турганмиш. Шу пайт қоши-қўзи қироили, қомати самбитдек, дуркун бир йигит келиб, отнинг жоловини тутди.

— Отдан тушинсанг, Ҳазратим, — деди йигит қовоқ уйиб, — от минши навбати энди бизга этди.

Соҳибқирон чўчиб уйғонди. У имонли бир мусулман ва донишманд инсон сифатида бу дунёдан насибаси узилаётганини пайқайди. Тахт ворисини тайинлаб, авлодларига айтадиган васиятини айтиб қолиши лозим.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пирмуҳаммадни тахтга эга қилиб қолдиришни мўлжаллаб, ҳаёл суриб ўтирарди. Ҳазрат арқони давлат, дин пешволари, қўмондонлар, набиралари, ўзига содиқ мулозимлар, хос муншайларини хузурига чорлатди. Сўнгги фармон фурсати етган эди. Соҳибқироннинг амри билан муншай васият ёзишга тутинди. "Англаб турибманки, руҳ қуши қалб қафасидан парвоз қилмоқчи. Тангри таоланинг даргоҳига жонимни бахш этаётибман. Сизларни унинг лутфу марҳамати-га топширдим. Оби дийда қилиб ўтирманглар, оху

Ўғилларим! Миллатнинг улуг мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхшилаб ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни қўриқланг, йўқсулларни бойлар зулмига ташланманг. Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлинг.

Бу орада давлатпаноҳнинг саломатлиги ёмонлашди борди. Бир кун у аъёнларига аввал бир бармоғини, сўнгра иккинчи бармоғини кўрсатди. Та-

библар бу ишоралар ўзлари-ча хайрли таъбир берди-лар:

"Ҳазратимиз, иншоолло, бир-икки кун ичида соғайишни умид қилардимен, демоқдалар". Соҳибқирон бош чайқади: "Асло, мен ундай демоқчи эмасман. Мен сизларнинг орангизда яна бир-икки кундан ортиқ бўлолмайман, демоқчи эдим".

Улим элчиси эшик қоқиб турганлиги барҳақ эди. 1405 йил 18 февраль кунини Буюк жаҳонгир бу ёруғ олам билан видолашиб, кўпга қўшилди.

Марҳумнинг жасади

минглаб қўриқчилар қуршовида бирор ой йўл босиб, Самарқандга олиб келинди. Дафн маросимини Амир Темурнинг яна бир зукко навараси Ҳалил Султон ўтказди. Бобосини Рўҳобод мавзесида, Муҳаммад Султон мадрасасида дафн этдилар. Чунки замон нотинч эди, ҳали олдинда тожу тахт учун қаттол олишувлар турар, бундай вазиятда Соҳибқиронни Кешга элтиш ўта қалъаси эди. Шу тарика Амир Темур ўз даҳмасига етолмай, дорус-салтана — Самарқандда мангу қўним топди.

Саъдулла СИЁЕВ.

ҲАВАСКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Маданияти ва спорт ишлари вазирлиги, "Олтин мерос", "Маҳалла" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Бадий академия ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг якуний босқичида 30 нафардан ор-тиқ фотосуратчи ўзининг 160 га яқин ижодий иши билан иштирок этди.

Ўзбекистон давлат санъат институти талабаси Жаҳонгир Иброҳимов "Баркамол авлод" мавзусидаги туркум ишлари учун биринчи ўринга сазовор бўлди.

ЎЗА.

ФАХРЛИ НОМ

Бугунги кунда республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойларда 13 та минтақавий, 173 та туман ва шаҳар бўйимлари фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Юқоричирчиқ туман тез тиббий ёрдам бўлими энг намунали шифохона, деб эътироф этилмоқда.

Юқори салоҳиятга эга бу бўлим яқинда катта мукофот соҳиби бўлди. Аҳолига кўрсатилётган шошилинч тез тиббий ёрдам сифати бўйича ўтказилган республика кўрик-танлови натижасига кўра, тажрибали шифокор Гулшан Абдуҳамидова "Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори" деган фахрли ном эгаси бўлди. Айни вақтда бўлим "Дамас" автомашинаси билан тақдирланди. Бир неча ходимга "Соғлиқни сақлаш аълочилиги" кўкрак нишонлари топширилди.

Ақбар АЛИЕВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи

Абулфайз САИДАСҚАРОВ

Саҳифаловчи

Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ

Ҳафтининг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-340.

Адади 10207.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.